

ҲЕЧ КИМНИНГ, АВВАЛАМБОР, МАРКАЗИЙ ВА МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИНИНГ САЙЛОВ ЖАРАЁНИГА АРАЛАШИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ.



O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

SHU AZIZ
VATAN —
BARCHAMIZNIKI!

● 2009-yil ● 17-oktabr ● Shanba ● 123 (30.083) ● www.uzbekistonovozi.uz ● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

ЭЗГУ МАҚСАДЛАРНИНГ АМАЛДАГИ ИЖОБАТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов жойларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ислохотларнинг бориши, бунёдкорлик ишлари, кенг қамровли ўзгаришлар билан танишиш мақсадида 16 октябрь кунин Фарғона вилоятига ташриф буюрди.

Фарғона вилояти ўзининг ерости ва ерусти бойликлари, ривожланган sanoat ва коммуникация тармоқлари, ижтимоий-иқтисодий инфратузилмалари, бой меҳнат ресурслари билан мамлакатимиз тараққиётида алоҳида ўрин тутди. Президентимиз раҳнамолигида вилоятнинг ҳар томонлама тараққий эттиришига катта эътибор қаратилмоқда.

Вилоятда жорий йилнинг 9 ойи давомида ялпи ҳудудий маҳсулот ўсиши 6,1 фоизни ташкил этди. Sanoat маҳсулотлари, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, пуллик хизмат кўрсатиш ва бошқа тармоқларда барқарор ўсиш таъминланди. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастурига мувофиқ, экспорт қилувчи корхоналарнинг қўллаб-қувватлангани уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ҳамда экспорт салоҳиятини оширишда муҳим омили бўлмоқда.

Вилоятда бугунги кунда 80 дан зиёд қўша корхона фаолият кўрсатмоқда.

49 йирки sanoat корхонасида ишлаб чиқариш ҳажми ошириш, рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқариш борасида салмоқли ишлар қилинмоқда. 2009 йилда Бағдод туманида «Фарғона спининг» ҳамда «Chin-chin adil», Бешарик туманида «Kalaqona teks», Фарғона шаҳрида «Корея хана медицина инвест» қўша корхоналари ишга туширилди.

Жорий йилда вилоятда иккита академик лицей ва 22 касб-хунар коллежи бунёд этилди, 203 умумтаълим мактаби таъмирланиб, кўрам қиёфа касб этди. «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури асосида аҳоли фаровонлигини юксалтириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Утган 9 ой давомида 77205 иш ўрни яратилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 5-майда қабул қилинган «Фарғона ва Қўқон шаҳарларини 2008-2012 йилларда реконструкция қилиш, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори асо-

сида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Президентимиз Фарғона шаҳрида барпо этилган Тошкент ахборот технологиялари университети Фарғона филиалининг янги биносини бориб кўрди. Юртбошимиз бу ерда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, талабалар, профессор-ўқитувчилар учун яратилган шароит билан танишди. Университет ўқитувчилари, талабалари билан суҳбатлашди.

— Бундай замонавий биноларнинг барпо этилиши ёшларимиз келажагига, таълим тизимига давлат томонидан катта эътибор қаратилаётганининг амалий ифодасидир, — деди Ислам Каримов. — XXI аср — ахборот асри. Шундай экан, фарзандларимизнинг замонавий ахборот технологияларига, коммуникация соҳасига қизиқиши табиий ва бу қувонарлидир. Биз эртанги кунга қатъий ишонч билан қараб, юксак мақсадлар билан яшаётган халқимиз. Интеллектуал бойлик асрида юксак интеллектуал салоҳиятга эга халқ жадал ривожланади.

(Давоми 2-бетда)

ЎзХДП минтақавий кенгашлари пленумлари АНИҚ НУҚТАИ НАЗАР ВА ТАШКИЛИЙ УЮШҚОҚЛИК сайловларда муваффақиятли иштирок этиш гаровидир

Жамиятнинг ижтимоий-сиёсий барқарорлиги, мамлакатнинг рағнақ топиши, ҳуқуқий демократик давлат қурилишининг такомиллашиб бориши ўз фикри, мустақам ҳаётий позициясига эга, дунёқараш кенг замондошларимизнинг фаоллиги, миллий гоғяга содиқлигига боғлиқ. Ана шу нуқтаи назардан қараганда, сайловлар даврида нафақат сиёсий партиялар, балки фуқароларнинг ўзлари ҳам маълум синовдан ўтади.



Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши пленумида вилоят партия ташкилотининг 2009 йил декабрь ойида бўладиган сайловларда иштироки масаласи муҳокама этилар

экан, ушбу фикрларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Вилоят партия ташкилотининг раиси Сирожиддин Аъзамов вилоят партия ташкилотининг сайловдаги кампанияси давридаги



асосий вазифалари ҳақида маъруза қилди.

— Вилоят, шаҳар ва туман партия кенгашлари, аксарият бошланғич ташкилотлар тўпланган тажрибага таянган ҳолда, электоратга қўмақлашишда бир мартали ижтимоий масалаларни ечишдан долзарб ижтимоий муаммоларни яхлит ҳал этишда қатнашиш йўлига ўтаётирлар.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ Тўғрисида АХБОРОТ

2009 йил 16 октябрда Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда жорий йилнинг 9 ойида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш аснолари кўриб чиқилди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан 2009 йил 13 февралда республика Ҳукуматининг мажлисида белгилаб берилган иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш дастурининг энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилишини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Мажлисида иқтисодий ислохотларнинг энг муҳим устувор вазифаларини ва Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш ҳар томонлама кўриб чиқилди ва чуқур таҳлил қилинди. Иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг жаҳон ҳамжамиятида «Ўзбек модели» сифатида эътироф этилган ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг чуқур ўйланган ва изчил дастури, шунингдек, инқирозга қарши самарали чора-тадбирларнинг амалга оширилиши жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг мамлакат иқтисодиётига салбий таъсирини муваффақиятли бартараф этишни, унинг мувозанатли ривожланишини ва изчил иқтисодий ўсишни таъминлаётганлиги қайд этилди. Иқтисодиётни таркибий

ўзгартаришларни, унинг энг муҳим тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технология жиҳатдан янгилашни фаол давом эттириш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришни жадаллаштириш, бунин, айниқса, қишлоқ жойларда жадаллаштириш, шунингдек, мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларини, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш йўли билан замонавий, диверсификацияланган ва рақобатбардорлиқ иқтисодий шакллантириш юзасидан қўрилаётган чора-тадбирлар иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатлари сақланишини таъминламоқда.

Жорий йилнинг 9 ойида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8,0 фоизни ташкил этди, sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 9,1 фоизга, қишлоқ хўжалиқ маҳсулотлари етиштириш ҳажми 3,3 фоизга, хизматлар кўрсатиш ҳажми 15,8 фоизга, қурилиш ишлари ҳажми 33,5 фоизга кўпайди. Давлат бюджети ЯИМга нисбатан 0,2 фоиз миқдоридagi профит билан ижро этилди, инфляция даражаси прогноз кўрсаткичлардан ортук бўлмади.

Фаол инвестиция сиёсати ва энг муҳим лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштириш капитал қўйилмалар ҳажмларини

28,3 фоизга, шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмларини 2,1 бараварга кўпайтиришни таъминлади. Жорий йилнинг 9 ойида техник модернизация қилиш бўйича 156 та лойиҳани амалга ошириш тугалланди, 371 та ишлаб чиқариш объекти, шу жумладан, озиқ-овқат sanoatида 139 та, қурилиш материаллари sanoatида 122 та, енгил sanoatида ва тўқимачилик sanoatида 71 та, машинасозликда 13 та объект фойдаланишга топширилди.

Қўшимча солиқ ва боғхона имтиёзлари бериш, имтиёзли кредитлашни кенгайтириш йўли билан мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари фаолиятини рағбатлантириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йилда қабул қилинган қарорларини амалга ошириш истемвол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмлари 13,7 фоизга ўсишини таъминлади. Ишлаб чиқаришнинг маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш доирасида 2009 йилнинг ўтган даврида маҳсулотларнинг 100 дан ортук янги турини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди, маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 2 баравар кўпайди, 2,6 млрд. АҚШ доллари миқдоридagi импортнинг ўрнини босадиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш таъминланди.

(Давоми 2-бетда)

16 октябр кунин Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Комиссия раиси М.Абдусаломов олиб борди.

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 11-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайлови тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш бўйича Концепцияга асосан Марказий сайлов комиссияси ўз мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг мажлисларида кенг муҳокама қилинган ва Марказий сайлов комиссиясига тавсия этилган жамоатчиликнинг обрўли вакиллари кирди.

Муҳокама қилинган масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг «Ўзбекистон Респуб-

ликаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайлов комиссияларини тузиш ва уларнинг шахсий таркибини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Оқруқ сайлов комиссиялари аъзоларининг рўйхатлари комиссияларнинг манзиллари ва телефон рақамлари кўрсатилган ҳолда маҳаллий матбуотда эълон қилинди.

Мажлисида Марказий сайлов комиссиясининг ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди ва улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎЗА)

ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ МИНТАҚАВИЙ АКЦИДЕРРОР ТУЗИЛМАСИ КЕНГАШИНИНГ ҲАМ БЕШИНЧИ МАЖЛИСИ Тўғрисида АХБОРОТ

Тошкент шаҳрида 2009 йил 16 октябр кунин Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий акциддерро тузилмаси (ШХТ МАТТ) Кенгашининг навбатдаги ҲАМ Бешинчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда Қозғистон Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси вакиллари иштирок этди.

Мажлисида ШХТ МАТТ Ижроия қўмитаси директори М.Субановнинг ШХТ МАТТ Кенгаши қарорлари ижросининг, ШХТга аъзо давлатларнинг терроризм, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураш бўйича 2007-2009 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури амалга оширилишининг бориши тўғрисидаги ахборотларни тинглади. Махлис иштирокчилари терроризм, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураш соҳасидаги ҳамкорликни такомиллаштириш масалаларини муҳокама этди. Таъкидландики, ШХТ МАТТ фаолияти терроризм, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураш борасида замонавий

таҳдид ва хавф-хатарларни бартараф этиш имкониятини беради.

ШХТга аъзо давлатларнинг терроризм, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураш бўйича 2007-2009 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури амалга оширилишининг бориши тўғрисидаги ахборотларни тинглади. Махлис иштирокчилари терроризм, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураш соҳасида тезкор ахборот алмаштириш бўйича мажлисини ўз ҳудудида ўтказишига оид таклифи қўллаб-қувватланди.

Мажлисида ШХТга аъзо давлатларнинг Хитой Халқ Республикаси ва Қозғистон Республикасида Шанхай шаҳрида (ХХР) бўлиб ўтадиган «ЭКСПО-2010» бугунжаҳон кўрғазмаси, Гуанчжоуда ўтказиладиган 2010 йилги Осиё ўйинлари ҳамда 2011 йилда Қозғистонда ўтадиган қишки Осиё ўйинлари хавфсизлигини таъминлашда қўмақлашиш бўйича комплекс чора-тадбирлар маъқулланди. ШХТ МАТТ Ижроия қўмитасининг

ўтган даврдаги фаолияти ижобий баҳоланди. Мазкур органнинг 2010 йилга мўлжалланган фаолият режаси тасдиқланди.

Кенгаш ташкилий ишлар ва кадрларга, ШХТ МАТТ Ижроия қўмитаси фаолиятининг молиявий таъминоти ҳамда ШХТга аъзо давлатларнинг терроризм, айирмачилик ва экстремизмга қарши курашдаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосини янада такомиллаштиришга доир масалалар юзасидан бир қатор қарорлар қабул қилди.

ШХТ МАТТ Кенгаши раиси эҳтиб бир йил муддатга Қозғистон Республикаси вакили — Қозғистон Республикаси Миллий хавфсизлик қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Одил Шаяхметович Шаяхметов сайланди.

ШХТ МАТТ Кенгашининг навбатдаги мажлисини 2010 йилнинг апрель ойида Тошкент шаҳрида ўтказиш тўғрисида келишиб олинди.

Кенгаш мажлиси ишчанлик ва амалий мулоқот руҳида ўтди.

(ЎЗА)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Уюшмалар, компаниялар ва йирик корхоналар раҳбарлариغا 2009 йил якунлари бўйича экспортнинг мўлжалланган кўрсаткичларига сўзсиз эришиш ва 2010 йилда экспорт ҳажмини янада кўпайтириш юзасидан кўшимча чора-тадбирлар кўриши топширилди. Биринчи навбатдаги чора-тадбирлар сифатида маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини янада оширишни, экспорт қилинадиган товарлар ва хизматлар турларини кенгайтиришни, ташқи бозорларда конъюнктура ўзгаришларига тезлик билан жавоб чораларини кўриб боришни таъминлаш топширилди.

Янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини ошириш масалалари мажлис қатнашчиларининг диққат-эътиборида бўлди. Комплекс ва аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида жорий йилнинг 9 ойида 743,5 мингта ёки 2008 йилнинг шу давридагига нисбатан 36,4 фоизга кўп янги иш ўрни яратилганлиги қайд этилди. Шундан 311,1 мингта иш ўрни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида, шу жумладан, 203 мингта иш ўрни — хизматлар ва сервис соҳасида, шунингдек, 77,9 минг иш ўрни меҳнат шартномалари асосидаги касаначилик соҳасида ташкил этилди.

Янги иш ўринлари ташкил этиш, айниқса, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитларида энг муҳим ижтимоий вазифа эканлиги ҳисобга олинган ҳолда, республика Ҳукумати мажлисида 2010 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳолини иш билан таъминлаш дастури муҳокама қилинди. Муҳокамада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккала палатаси сенаторлари ва депутатлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари ҳам иштирок этишди.

Мазкур Дастур лойиҳасида 2010 йилда 950 мингта, шу жумладан, хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасида 282 мингта, барча шакллардаги касаначиликни ривожлантириш ҳисобига 208 мингта, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини кенгайтириш ҳисобига 61,3 мингта янги иш ўрни ташкил этиш назарда тутилмоқда.

Муҳокама якунлари бўйича 2010 йилда иш ўринлари ташкил этиш ҳамда аҳолини иш билан таъминлаш дастури лойиҳаси маъқулланди ва уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига тасдиқлаш учун киритиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Корхоналар, давлат ва ҳўжалик

(Давоми. Боши 1-бетда)

бошқаруви органлари, барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарлари зиммасига янги иш ўринлари ташкил этиш, аҳолини иш билан таъминлаш масалаларини амалий ҳал этиш ва шу асосда аҳоли даромадларини, фаровонлигини ва турмуш сифатини янада ошириш юзасидан шахсий жавобгарлик юкланди.

Мажлисида «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури доирасида қишлоқ аҳоли пунктларини ободонлаштириш, тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибда уй-жой қуриш кўламини кенгайтириш асосида қишлоқ аҳолисининг уй-жой шароитларини тубдан яхшилаш бўйича кенг чора-тадбирлардаги қишлоқ аҳоли пунктларини ободонлаштириш, тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибда уй-жой қуриш кўламини кенгайтириш асосида қишлоқ аҳолисининг уй-жой шароитларини тубдан яхшилаш бўйича кенг чора-тадбирлар комплексини амалга оширишнинг тахлилига алоҳида эътибор қаратилди.

Жорий йилнинг 9 ойи мобайнида қишлоқ жойларда 4,7 миллион квадрат метр яқка тартибдаги уй-жойлар, 577 километр газ ва 1680,8 километр сув қувурлари тармоқлари фойдаланишга топширилди. Қишлоқ жойлардаги қурилишда фойдаланиш учун яқка тартибдаги уй-жойлар ва ижтимоий соҳа объектлари намунавий лойиҳаларининг республика кўрсатмаси ўтказилди. Тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки кредитлари ҳисобига уй-жойларни комплекс қуришни жорий йилнинг ўрта қисмида бошлаш учун қишлоқ жойларда 42 та ер массиви тайёрлаб қўйилган.

Муҳокама жараёнида 2010 йилда қишлоқ аҳоли пунктларида комплекс қурилиш ва яқка тартибда уй-жой қуриш дастурининг асосий параметрлари, шунингдек, уни молиялаштириш манбалари батафсил таҳлил қилинди.

Дастурга мувофиқ республиканинг қишлоқ туманларида намунавий лойиҳалар бўйича 955 минг квадрат метр тураржой майдонига эга бўлган 8,5 мингта яқин яқка тартибдаги уй-жой қуриш назарда тутилган, шундан 42 та танлаб олинган ер массивида 95 минг квадрат метр тураржой майдонига эга бўлган 840 та яқка тартибдаги уй-жойни жадал қуриш бошланади. Дастурни молиялаштиришга 588,7 млрд. сўм, шу жумладан, «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкнинг 284,9 млрд. сўм миқдоридagi имтиёзли кредитлари йўналтирилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси, «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки ва Давлат архитектура ва қурилиш кўмитаси раҳбарлари олдида Дастурни амалга оширишни жадаллаштириш бўйича аниқ вазифалар, шу жумла-

дан, намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибда уй-жойлар ва ижтимоий йўналишдаги объектлар қуриш учун муҳандислик ва транспорт коммуникациялари ўтказилган тегишли ер массивларини беришни жадаллаштириш топширилди. Шунингдек, намунавий лойиҳалар асосида яқка тартибда уй-жой қуришни 25 фоизга арзонлаштиришни таъминлайдиган деворбоп, томга ёпиладиган ва бошқа қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бўйича кўшимча ташкил этилаётган қувватларнинг жадал ишга туширилишини таъминлаш чора-тадбирлари белгиланди.

Вазирлар Маҳкамаси мажлисида иқтисодиёт тармоқлари, уй-жой фонди, ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларининг куз-қиш даврига тайёрлиги ҳолати, шунингдек, 2009-2010 йилларнинг куз-қиш даври учун мева-сабзавот маҳсулотлари ва картошка гамлашининг бериши ҳам қуриб чиқилди.

Бир қатор вилоятлар ҳокимликлари, Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хўна тарғилими маркази раҳбарларининг ҳисоботлари давомида вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бirlашмалари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг эътибори иқтисодиёт тармоқлари, уй-жой фонди, ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларининг 2009-2010 йилларнинг куз-қиш даврига тайёрлиги ва ушбу даврда барқарор фаолият кўрсатиши, шу жумладан, уларга газ, электр энергияси, иссиқлик энергияси узлуксиз етказиб берилишини таъминлаш учун шахсан жавобгар эканликларига қаратилди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, «Узулгўржисавдоинвест» уюшмаси ва «Матлуботсавдо» ҳудудий акциядорлик компаниялари томонидан мева-сабзавот маҳсулотларининг асосий турларини ва картошкани белгиланган ҳажмларда гамлашни тугаллаш, шунингдек, ички бозорда улар нархининг асосиз ошиб кетишига йўл қўймаган ҳолда, уларнинг захираларини аҳолига тизимли сотишни таъминлаш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар қурилиши зарурлиги қайд қилиб ўтилди.

Республика Ҳукумати мажлисида киритилган масалаларни муҳокама қилиш якунлари бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди. Уларда 2009 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифаларининг бажарилишини таъминлаш ва келгуси йилда республика иқтисодиётини барқарор ривожлантириш учун ишончли кафолатлар яратиш бўйича кўшимча чора-тадбирлар белгиланди.

(Ўза)



АНИҚ НУҚТАИ НАЗАР ВА ТАШКИЛИЙ УЮШҚОҚЛИК

сайловларда муваффақиятли иштирок этиш гаровидир

Бу ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва амалга оширишда қатнашишга намоён бўлмоқда. Ўтган сайловлардан кейинги даврда ижтимоий йўналтирилган Давлат дастурлари, қонунлар, фармонлар, қарорлар ижроси таъминлашни устидан жамоатчилик мониторингини олиб бориш Халқ демократик партиясининг барча бўғинларида амалий тус олди. Партия кенгашири Жамоатчилик қабулхоналари бу жараёнинг муҳим воситасига айланди.

Электорат турмушининг фаровонлигини ошириш, қишлоқ жойларда аҳолининг яшаш шароитини яхшилаш, кам таъминланган оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринлари барпо этишда фаол қатнашиш партия ташкилотларининг муҳим вазифаларидир.

Афсуски, айрим туман партия кенгашири бунга етарли эътибор бермаганди. Ҳолбуки, янги иш ўринларини ташкил этиш, касаначиликни ривожлантириш, эътиҳаманд оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни тақомиллаштириш бўйича ишларни мониторинг қилиш, тақдирлар бериш бизнинг дастурий устуворликларимиз сирасига кирди.

Шу билан бирга, пленумда бўйли сайловлар сиёсий партияларнинг қўлайиб бораётган беллашуви, қўнғин сиёсий рақобат вазиятида ўтиши таъкидланди. Шу муносабат билан партиянинг ҳаёт кун тартибига қўйилган вазифаларга аниқ-равшан, қўнғини ёндашувини белгилаб олиш, му-

(Давоми. Боши 1-бетда)

холифларнинг ҳар қандай чиқишларида вақтида ва аниқ жавоб бериш зарурлигига ҳам алоҳида ургу берилди. Қўнғинчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида етакчилик учун бошланаётган қаттиқ шароитида биз ўз ёндашувларини, нуктаи назаримиз ва амалий сиёсий-ҳаракатларимиз билан электоратнинг қўллаб-қувватлашига эришишимиз лозим. Партиямиз ҳалол ва мардона қураш тарафдори. Биз аниқ тақдирлар, амалий иш билан одамлар ишончини қозонишни истаймиз. Бизнинг сайловдаги мақсадимиз ҳар бир сайлов округида Ўзбекистон ХДП томонидан қўрсатилган номзодлар муваффақият қозонишига эришишдир.

— Бўлажак сайловларда муваффақият қозониш, энг кўп депутатлик ўринларига эга бўлиш, давлат ҳокимияти вакиллик органларида партиямизнинг салоҳиятли депутатлик бирлашмаларини тузиш дастурий мақсадларимизни амалга оширишнинг энг асосий шартидир, — деди Ўзбекистон ХДП Чирчиқ шаҳар кенгаши раиси Дониёр Азизхўжаев. — Партиямиз электорати манфаатларини самарали ҳимоя қилмоқчи, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий тараққиёти, ислохотларнинг боришига ижобий таъсир кўрсатмоқчи эканмиз, аввало, сайловларда фаол иштирок этиб, вакиллик органларидан муносиб ўрин эгаллашни шарт. Сайловларга ана шу мақсадни кўзлаб тайёрларлик кўрмоқдамиз. Сайловда иштирок этиш, вакиллик асосида ташкил этиш, сайловчилар ўртасида партиямизнинг дастурий вазифалари, сайловдаги платформасини кенг тар-

ғиб қилиш, келгусида партия-миз томонидан қўрсатилган номзодлар билан сайловчиларнинг учрашувларини уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида сайлов шартларини шакллантираёلمиз. Улар зиммасига масъулиятли вазифалар юклатилмоқда.

— Партиямиз фаолларида сиёсий кураш маданиятини янада кўчатириш учун турли машғулотлар, сиёсий ўқувлар, семинарлар ўтказаямиз, — деди Қўқўрғон агрономот ва тадбиркорлик касб-хўна колледжи директорининг ўринбосари Азиз Қўшбоев. — Партия туман кенгашининг «Истиқбол» ёшлар қаноти сазй-ҳаракати билан ёшлар, айниқса, биринчи марта овоз беришда қат-

нашадаги йигит-қизларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, фаол фуқаролик позициясини шакллантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Кўпгина ёшларимиз сайловдаги кампаниясида фаол қатнашиб, партиямизнинг дастурий мақсад ва вазифаларини электоратга доимий тушунтириб боришда иштирок этмоқда.

Шунингдек, пленумда сўзга чиққан Олий Мажлис Қўнғинчилик палатаси депутати, ЎзДП фракцияси аъзоси Алия Юнусова, «Ўзбекистон овози» газетасининг бўлим мудири Бехзод Шукуров, Янгийўл туман партия кенгаши раиси Нўмон Орипов ва бошқалар сайловларга жиддий тайёргарлик қилиш, бўлажак номзодларни ҳар томонлама ўрганиш ва саралаб олиш зарурлигини таъкидлашди. Партиялар ўртасидаги баҳс-мунозараларда электорат манфаатларидан келиб чиқиб, муносиб иштирок этиш, мақсад йўлида ҳамжиҳатлик билан кураш олиб бориш сайловларда муваффақият қозонишнинг асосий омиллари эканлига эътибор қаратилди.

Пленумда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси VII курултойига делегатлар сайланди.

Пленумда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раисининг ўринбосари, Олий Мажлис Қўнғинчилик палатаси депутати Ҳамидулла Назаров иштирок этди ва сўзга чиқди.

Жўра САЪДУЛЛАЕВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.
Абдвоси ҲАЙДАРОВ
олган суратлар.

Қишлоқ тараққиёти

ВА фаровонлиги йили



Андижон қишлоқларида уй-жойлар қурилиши замонавий, кўркам бўлиши ва аҳоли учун қўлайликлар яратилишига алоҳида эътибор берилмоқда. Қўшқаватли иморатлар, сервис хизмати кўрсатиш масканлари тикланиши билан уларнинг чиройи ошяпти. Лойиҳаларда қишлоқ шароити ҳисобга олинганлиги ҳам диққатга сазовор. Энди ҳол ишдан ёки сингли ёёвдан қуридан эски бинолар ўрнини тишиқ уйшдан, мезморий ечимли қошонага қиёс уйлар, мини-маркетлар, машиш хизмат нуқталари эгаллашяпти.



Суратларда: қурилайётган уйлар кўриниши; гишт терувчи Улугбек Қамбаров; прораб Алишер Матқосимов ва иш юритувчи Алишер Фаттоев.

ҚИШЛОҚЛАРИМИЗ ОБОД БЎЛМОҚДА

Андижон туманидаги «Оқёр» маҳалла фуқаролар йиғини ўрамини намунавий лойиҳа асосида янги замонавий қишлоқ бунёд этилмоқда. Бу ерда ҳар бири 6 сотихдан иборат бўлган жами 57 та уй қурилиши жадал давом этилган. Уни «Юксак ҳамжиҳат ҳамроҳ», «Ҳамроҳ ҳамжиҳат келажяги» каби қатор қурилиш-монтаж фирмалари бинокорлари бунёд этмоқда.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЭЗГУ МАҚСАДЛАРНИНГ АМАЛДАГИ ИЖОБАТИ

Янги бино ғоят муҳташам, ўқув жойларини таълим жараёнида фойдаланиладиган замонавий техник воситалар билан тўла жиҳозланган. Ахборот-ресурс, компютер ва тил ўргатиш марказлари мавжуд. Талабалар ахборот технологияларининг энг сўнгги ютуқларидан кенг фойдаланади. Президентимиз ушбу олай ўқув юртининг нуфузини янада юксалтириш, таълим самарадорлигини ошириш юзасидан тавсиялар берди.

Мамлакатимиз пахта майдонларида йўғим-терим ишлари қизгин давом этмоқда. Юртимиз хирмонининг юксалишида фарғоналикларнинг ҳам салмоқли ҳиссаси бор. Жорий йилда вилоят миришкорлари 290 минг тонна пахта етказиб беришга бел болаган.

Президентимиз Охунбоев туманидаги «Шерзодбек» фермер ҳўжалигида бўлиб, фермерлар билан қишлоқ ҳўжалиги соҳасида амалга оширилайётган ислохотларнинг бориши, пахтачилик соҳасида эришилётган ютуқлар, қишлоқ аҳолисининг турмуши ҳақида суҳбатлашди.

Юртбошимиз мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда фермерлик ҳаракатининг аҳамияти катта эканлини алоҳида таъкидлади. Фермерлар юрт равнақи, хусусан, қишлоқ тараққиёти ва фаровонлигини таъминлашда ҳал қилувчи кучга айланди.

— Фермерларимиз энди фақат оддий деҳқон эмас, айни чоғда иқтисодчи, ҳисобчи, ўз ишининг барча жиҳатларини пухта ўзлаштирган ишбилармондир, — деди давлатимиз раҳбари. — Ўтган йиллар давомида иқтисодиётимиз мустаҳкамланди. Энди янги мақсадлар сари интилишимиз, яъни қишлоқларимизни обод қилиш масаласига кенг эътибор қаратишимиз даркор.

Президентимиз «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларни изчил бажариш қишлоқ аҳолисининг

турмуш даражасини оширишда, қишлоқларни обод этишда, қишлоққа саноатни олиб киришда, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. Фарғона вилоятида мазкур дастур доирасида 254 километрдан зиёд қишлоқ йўллари таъмирланди, 20,8 километр газ тармоқлари янгиланди, 25 қишлоққа ичимлик суви келтирилди.

Президент Ислам Каримов Кўқон шаҳрига келди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 5 майдаги «Фарғона ва Кўқон шаҳарларининг 2008-2012 йилларда реконструкция қилиш, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорининг ижроси бўйича Кўқон шаҳрида кенг кўламли реконструкция, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ишлари амалга оширилди. Жумладан, газ, электр, иссиқлик ва сув таъминотини яхшилаш мақсадида кабеллар ва қувурлар тортилди, зах сувлар кўтарилишининг олди олинди, мактаб, коллеж, институт ва бошқа муассасалар қозонхоналари таъмирланди. «Тез тиббий ёрдам» машиналари парки кенгайтирилди, кўпгина тиббий муассасалар таъмирланди ва замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Давлатимиз раҳбари Кўқон шаҳрида янги барпо этилган Деҳқон бозорини кўздан кечирди. Замонавий бозорда деҳқон ўз маҳсулотини бижирим расталарга жойлайди, харидор бозорда бемалол юради ва ўзи истаган маҳсулотни тез ва осон топади. Савдо-сотик учун зарур назорат-касса машиналари ўрнатилган, электрон тўлов тизими жорий қилинган. Енгин хавфсизлигини таъминлаш, бошқа турдаги фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш мақсадида бозорга замонавий кузатув-коммуникация тизими ўрнатилган,

махсус лабораториялар очилган, тиббийёт хонаси, милиция таянч пункти ишлаб турибди.

Бозорнинг мезморий ечимида замонавий ва миллий-тарихий анъаналар уйғунлашган. Бу ерга келган киши Кўқоннинг қадимий ва айни пайтда замонавий шаҳар эканлини яққол ҳис этади.

— Юртимиз қадимий обидалар, мезморий ёдгорликларга бой, — деди Президентимиз. — Уларни дунёга кўз-кўз қилиш борабариди, янги-янги иншоотлар барпо этиш, мамлакатимизнинг салоҳиятини мунтазам ошириб боришимиз зарур.

Давлатимиз раҳбари бозор атрофини янада кўркамлаштириш, дизайнини тақомиллаштириш юзасидан тақдир-тавсиялар берди.

Президентимиз Ўрдада бўлиб, бу ерда амалга оширилган таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари билан танишди. Қўли гул уста ва мезморларнинг моҳирона хизматлари тўғрисида обиди бутун гўзал қиёфа касб этди.

Президентимиз Кўқон шаҳрининг маркази масаласига алоҳида эътибор қаратди. Дарҳақиқат, Кўқонда дам олиш масканлари, кўнғилочлар жойлар бор. Лекин одамлар, биринчи галда, ёшлар маданий ҳордиқ чиқарадиган замонавий марказ йўқ. Ислам Каримов бундай марказни юзага келтиришга шаҳар аҳлини, аввало ёшларни кенг жалб этиш зарурлигини таъкидлади.

Мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олган кенг кўламли ислохотлар замирида халқимиз фаровонлигини оширишдек эзгу ниятлар муважжам. Фарғона вилоятида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари ва ижтимоий аҳолига таъдир қилинган ишлар билан фикрни яққол исботлаб турибди.

Воҳид ЛУҚМОНОВ,
Анвар БОБОЕВ,
Масъуд СУЛАЙМОНОВ,
Ўза махсус мухбирлари.

Ижтимоий ҳимоя

АҲОЛИНИНГ БАНДЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИ ОШАПТИ

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилда Қорақалпоғистон Республикасида ҳам янги иш жойларини ташкил этиш, вақтинча ишсизларни иш билан таъминлаш борасида муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

ланган оилга ҳомиёлар томонидан соғин сигирлар берилди. Аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси ҳисобидан белгиланган тартибда кичик бизнес, хизмат кўрсатиш ҳамда оила ишбилармонлик тизимида янги иш жойларини ташкил этиш бўйича 121 нафар фуқарога қора мол сотиб олиш учун имтиёзли кредитлар берилди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Муқаддас қадамжолар

Олтинсой туманидаги Хўжай пок ота зиёратгоҳи мустақиллик йилларида таъмирланиб, обод этилди.

ОБОД ВА КЎРКАМ ЗИЁРАТГОҲ

Исролда «Ашари мубашшара», яъни ҳаётлигида жаннатий бўлганлиги башорат қилинганлардан бири — Ҳазрати Абдураҳмон ибн Авфидир.

Бу ердан қайнаб чиқаётган булоқ суви кичик дарё мисол оқиб туради. — дейди зиёратгоҳ-оромгоҳ раҳбари, шифокор Хўшбоқ Қаршиев.

Зиёратгоҳдан одамларнинг қишин-ёзин қадами узилмайди. Унда шифо истаганлар соғлиқларини тиклашмоқда.


Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

АГАР ШАРТНОМАНИ ИМЗОЛАМАСА

вакиллик ўрнидан маҳрум бўлади


Маълумки, Европа Иттифоқининг «Лиссабон шартномаси»ни ташкилотга аъзо 27 та давлатдан 26 таси ратификация қилиб бўлди.

киритиш даркор. Бу туза-тишларни эса Чехиянинг Конституциявий суди шу ой охиригача кўриб чиқиши керак.



лавозимга тайинлаш лозими. «Лиссабон шартномаси» имзоланмаса, бу тайинловлар ҳам боши берк кўчага кириб қолади.

Еврокомиссия раҳбари Жозе Мануэл Баррозу Европа Иттифоқининг сабри тугаб бораётганини ўқирди.



УЙ-ЖОЙЛАРИ ХУСУСИЙЛАШТИРИЛИБ БЕРИЛАДИ

Газетада босилмади, аммо...

Хазорасп тумани, Питнак шаҳар, Шарлаук қўрғончаси, «Хуммузтепа» маҳалласида яшовчи фуқаролар Р.Кўзимов, Ш.Бектурдиев ва бошқаларнинг саксонинчи йилларда «Туямўйинсувқурилиш» трестига қарашли чорвачилик ҳўжалигида меҳнат қилишгани, 30 оилга уч хонали уй берилгани ва ҳозирги кунда ана шу уйларини сотиб олиш талаб қилинаётгани ҳақида тахририятга келган шикоят ҳақида вилоят ҳокимлигига йўлланган эди.

турар жойларни туман ҳокимлиги балансига қабул қилиш бўйича Хазорасп туман ҳокими 2000 йил 16 октябрь 710-сонли қарори қабул қилинган.

«Туямўйинсувқурилиш» очик акциядорлик жамиятига эгалик ҳуқуқи берилмасдан фойдаланиш учун бепул берилган.

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Айрим қорхоналар ва мол-мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг баъзи масалалари тўғрисида»ги қарори билан «Туямўйинсувқурилиш» трестига қарашли ёрдамчи ҳўжалик 1996 йилда давлат тасарруфидан чиқариш дастурига киритилган.

берган аризасига асосан, Хоразм вилоят ҳудудий бошқармасининг «Туямўйинсувқурилиш» трестига қарашли ёрдамчи ҳўжалиги жамоа ҳўжалигига айлантириш тўғрисида (1996 йил 7 октябрь) буйруғи чиқарилган.

Одам боласи йигирма етти ёшгача ўқийди, хунар ўрганганда, оила куради. Бир сўз билан айтганда, келажакга пойдевор куради, касби орқасидан яхши ҳаёт кечиршини ўйлайди.

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон сув ҳўжалиги қурилиш давлат концерни «Ўзсувқурилиш» тугатиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2000 йил 249-сонли қарорида тугатилаётган давлат концерни бўлинмаларида ижтимоий соҳа объектлари маҳаллий ҳокимликлари балансига берилиши кўрсатилган.

зиёд акцияни яқин кишиларига ўзича бўлиб берди. Ваҳоланки, у акциядор эмасди, устига-устак «Керамзитобетон» қорхонасига мулкдоҳ дахли йўқ.

Ташкилотнинг биринчи кунидан бошлаб Шуҳрат Абдуалиев зуғум ўтказишга киришди.

«пишт» демайди. Шуҳрат Абдуалиев заводга ўша даврда юқори лавозимли мансабдорнинг уқаси билан кириб келиши унинг айёрлиги, «узқони кўлаб» иш бошлаганидан дарак беради.

«Жиян»нинг кирдикорлари ёки ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир қаллоб ҳақида

ЯНА 6 КИШИ

ўлим жазосига ҳукм қилинди

Урумчи шаҳар халқ суди жорий йилнинг 5 июлида Урумчида ханлар билан уйғурлар ўртасида юз берган оммавий тўқнашувлар юзасидан навабдаги ишни кўриб чиқди ва яна 6 нафар айбдорни ўлим жазосига ҳукм қилди.



«Хинһуа» АА хабар беришича, Урумчидаги оммавий тўқнашувларда 197 киши ҳаётдан кўз юмган, 1600 дан ортиқ турли даражада тан жароҳати олган.

ШАХСИЙ ҚУРОЛЛАР

назорати қатъийлаштирилди

Шахсий қуроллар назоратини қатъийлаштиришни назарда тутувчи қонун лойиҳаси Россия давлат думасига тақдим этилди.

Россия ички ишлар вазирининг ўринбосари, милиция генерал-полковниги Николай Овченниковнинг айтишича, дейилади «Российская газета»да чоп этилган ахборотда, бугунги кунда мамлакатда 6 миллионга яқин киши шахсий қурол олиб юриш лицензиясига эга.

Дарвоқе, «қўлидан қўп иш келишини» Шуҳрат Абдуалиев тезда кўрсатди.

«Менинг тоғам кимлигини билсанми, — у ўша даврдаги бир мансабдорнинг номини айтиб А.Гасановга дўқ урди (аслида унинг ҳеч қандай қариндошлик алоқаси бўлмаган). — Мен ўша кишининг жияни бўламан. Сени йўқ

«Жиян»нинг кирдикорлари ёки ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир қаллоб ҳақида

қисмини энг яқин кишиларига бўлиб берди. Заводни бутунлай «ўзиники» қилиб олган Шуҳрат Абдуалиев Россиядан «товар» оламан, дея жуда катта миқдордаги валютани ўша ердаги қорхонага ўтказиб берган.

«Элсиссаудо» шахсий қорхонаси, «Промбентонит» ва бошқа кичик қорхона бўладими, маъсулият келканган жамият бўлади-ми, барчасида қинғирлик бўлган.

Чиндан ҳам Шуҳрат Абдуалиев ҳақидан ошиб кетганди. А.Гасанов ва унинг фарзандини йўқ қилиш билан кўрқитиб келган товламачи қарийб беш йил зуғумини ўтказди.

«Сени қорхонадан чиқариб юбораман! Мени билсанми...»

СПОРТ СПОРТ СПОРТ

«НАСАФ»НИНГ ИШОНЧЛИ ГАЛАБАСИ

Футбол бўйича Ўзбекистон XVIII миллий чемпионати олий лига жамоалари 20-турнинг кечиктирилган учрашувларини ўтказишди.



Қаршида «Насаф» футболчилари Фаргонанинг «Нефтчи» жамоасини қабул қилди. Ушбу учрашув бу йилги мавсумнинг бронза медалига асосий даввогарлар баҳси мақомини олди. Бу ўйинда ким галаба қозонса, чемпионат совриндорлари қаторидан жой олиш учун ўз имкониятини яхшилаб оларди. Шу боис, учрашув қутилганидек, шиддатли ва ҳужумкор руҳда бошланди. Унда дастлабки дақиқалардан ташаббусни ўз кўлларига олган мезбонлар 3:1 ҳисобида ишончли галабага эришдилар. Тўпларни мезбонлардан Самандар Шодмонов, Рустам Қодиров, Сергей Кротлар киритган бўлса, фарғоналикларнинг ягона голига Анвар Бердиев муаллифлик қилди. Шунингдек, пойтахт «дербиси» номини олган «Пахтакор» — «Бунёдкор» жамоалари баҳси ҳам кўпчиликнинг диққат марказида турди. Аммо бу ўйинда ҳисоб очилмади.

Қолган икки учрашувда куйидаги натижалар қайд қилинди: «Бухоро» — «Хоразм» — 3:0, «Навбахор» — «Кизилқум» — 1:1.

ДЕНИС ИСТОМИН — ЯРИМ ФИНАЛДА

Пойтахтимиздаги Республика Олимпия захиралари теннис мактаби кортларида ўтказилган «Челленджер» халқаро турнири ҳал қилувчи паллага кирди.



Теннисчиларимиз Арсен Асанов ҳамда Денис Истоминларнинг дастлабки босқич баҳсларини муваффақиятли якунлаганликларини хабар қилгандик. Иккинчи учрашувни Арсен словакиялик Лукас Ласкога қарши ўтказди. Аммо унда ёш ва умидли ракеткачизмига бироз тажриба етиш-

мади — 0/6, 1/6. Мамлакатимизнинг биринчи рақамли теннисчиси Денис Истомин ва Юрий Шукин (Россия) ўртасида кечган баҳсда эса голиб номи уч сетда аниқланди. Унда дастлабки россиялик теннисчи 6/3 ҳисобида устун келганди. Аммо кейинги сетларни зийраклик ва фаоллик билан ўтказган Денис рақибига ҳеч қандай имконият қолдирмади — 6/1, 6/3.

Кеча мусобақанинг чорак финал учрашувлари ўтказилди. Унда ҳамюртимиз украинлик Сергей Станковскийни мағлубиятга уратди — 6/4, 7/5. Лукас Ласко — Христов Рочус (Бельгия), Александр Долгополов (Украина) — Александр Кудрявцев (Россия), Маркос Багдатис (Кипр) — Андрей Куманцов (Россия) жупликлари баҳси эса қолган ярим финалчилар номини аниқлаб берди.

Халқаро турнир голиб ва совриндорлари номи эртага маълум бўлади.

Эркин ХОЛБОВО

Юртимизда олтин куз. Айни пишиқчилик даври. Саховатли даладаримизда етиштирилган ноз-неъматлар кўркам бозорларимизни файзиб этаяпти. Мамлакатимиздаги барча деҳқон бозорларида бўлгани каби Денов шаҳридаги «Бободехқон бозори» очик акциядорлик жамияти расталари ҳам кишлоқ хўжалик маҳсулотларига тўла.


ТЎКИН БОЗОРЛАР — ФАРОВОНЛИК РАМЗИ

— Бу масканда иккинчи марта бўлишим, — дейди япониялик сайёҳ Такано Наоки. — Денов хурмонинг қони, анор, узум, олманинг макони экан. Кишин-ёзин қовун-тарвуз, тилларанг майиз, хандон писта, турфа бодом, шифобахш ёнғоқ, шўрданагу нўхатлар...

Дарҳақиқат, ушбу бозорда сотувчи ва харидорлар учун қўлай имкониятлар яратилган. Бундан аҳоли ҳам, сотувчилар ҳам мамнун. Жорий йилнинг ўтган саккиз ойида бозордаги тушум 186667,1 минг сўмини ташкил этди. Ҳа, бозорлар файзу барокат рамзи деб бекорга айтишмаган.

(Ўз мухбиримиз)

Суратларда: «Бободехқон бозори» очик акциядорлик жамияти фаолиятдан лавҳалар.



Мухаммади Жумаев олган суратлар.

Қинғир иш

«ИШБИЛАРМОН» ДИРЕКТОР

2008 йилнинг ёзи. Мактабни тамомлаган ёшлар турли билим даргоҳларига ҳужжат топшираётган паллалар. Шайтон йўлдан адаштираган Денов туманидаги 34-умумий ўрта таълими мактаби директори мактабнинг 11-синф битирувчиси О.С.нинг Россия Федерациясига ишга кетганидан фойдаланиб, унинг номига расмийлаштирилган OR-SH0881796-серияли шаходатномага Ф.М.нинг исми-шарифини киритиб, сохта баҳо ва маълумотлар ёзди ҳамда гербли муҳр билан тасдиқлаб берди.

Бундан беҳад хурсанд бўлган Ф. эса Тошкент Давлат иқтисодиёт университетига ўқишга кириш учун сохта шаходатнома ва бошқа тегишли ҳужжатларни қўлтиқлаганча югурди. Лекин кўза кунда эмас, кунда синар экан. Орадан бир йил ўтгач, «ишбилармон директор»нинг сири фотга бўлди. Устоз — улуг зот, билим ва ҳаётга йўлланма берадиган, тўғри йўлга бошловчи азиз инсондир. Халқимиз устозларни ҳатто отадек ҳурматли мақомга чиқарган. Бу муқаддас касб эгаларига қинғирлик асло ярашмайди. Дарҳақиқат, устоз деган улуг сўз масъулиятини ҳеч қачон унутиб бўлмайди.

Абдумалик БОТИРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Маълумки, дунёда тиббиёт тараққий этган сари турли хил юқумли касалликлар пайдо бўлиш қоллари ҳам учраб турибди.

ХУШЁРЛИК ВА ОГОҲЛИК — САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Самарқанд вилоятида юқумли вирус ҳамда касалликларга қарши олиб борилаётган амалий ишлар хусусида

Айниқса, чегара билмайдиган юқумли вируслар ер шарининг бир нуқтасида пайдо бўлса, вақт ўтиши билан мамлакатимизга ҳам ҳар хил воситалар сабабли, яъни ҳаво орқали, инсонлар ёки бир давлатдан иккинчи давлатга оқиб ўтувчи дарё сувлари ва бошқа йўллари билан кириб келиши эҳтимолдан холи эмас. Шу боис, четдан кириб келиши мумкин бўлган хавфли ва юқумли вируслардан республикамиз аҳолисини ҳимоя қилиш борасида соғлиқни сақлаш тизимида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, бу борада Самарқанд вилоят Давлат санитария эпидемиология

дарёси ва унинг ирмоқлари орқали вабо, қорин тифи касалликлари кириб келишини олдини олиш борасида 2009 йил 20 августдан эътиборан вилоят ҳокимлиги қошида 16 кишидан иборат штаб тузилди. Дарёларнинг ирмоқларидан лабораторияларга намуналар олиш самардорлигини ошириш мақсадида ҳар бир туман ҳудудидан ўтувчи очик сув ҳавзаларининг кириш ҳамда чиқиш жойларидан сув намуналарини олиб таҳлиллар ўтказиш учун режалар қайтадан ишлаб чиқилди. Дарё ирмоқларида белги-ланган 52 та сув олиш нуқталарида ҳудудий санитария эпидемиология назорат маркази ходимлари қайтадан сув таркибини текширишмоқда.

Урганиш натижасида дарё қирғоқларида ноқонуний қурилган 7 та молхоналар олиб ташланди. Ўз оқова сувларини тозаласдан ирмоқларга ташлаётган ишоот ва корхоналар раҳбариятига ҳам тегишли чоралар кўрилди. Аҳоли орасида эса юқумли ошқозон ичак касалликлари тўғрисида тарғибот-ташвиқот ишлари кенг йўлга қўйилган бўлиб, ҳовлима-ховли кўрик-назорат маркази томонидан вилоят ҳудудига «янги А (Н1 N1) гриппи» деб номланувчи юқумли вирус ҳамда вабо, қорин тифи ва бошқа ошқозон ичак касалликларининг кириб келиши ва тарқалишига қарши кўрилаётган аниқ чора-тадбирлар қўрилмоқда. Биз шу ҳақда марказ Бош врач Хайрулла БОЙМУРДОВ билан сўхбатлашдик.



Хусан ТЎҒИЗОВ олган сурат.

лар кучайтирилиб, хонадонларнинг санитария ҳолатига ҳамда ичимлик сувининг сақланиши, ишлатилиши бўйича ҳам тегишли маслаҳатлар берилмоқда.

Бундан ташқари, «янги А (Н1 N1) гриппи»га қарши вилоятнинг 14 та туман ва Каттакўрғон шаҳар тиббиёт бирлашмаларининг юқумли касалликлар шифохонасида 2 тадан бемор ўринлари захираси ва Самарқанд шаҳар 1-юқумли касалликлар шифохонасида 10 та, жами 40 та қўшимча даволаш ўринлари ташкил қилинган.

Жумладан, вилоят санитария назорат пунктлари ҳам етарлича махсус кийим-кечаклар, тиббий жихозлар ва зарарсизлантирувчи воситалар билан таъминлангандир. Вилоят ҳудудига чет элдан келувчиларни икки жойда — Ургут тумани Жартена кўргони ҳамда шаҳар аэропортида тиббий кўриқдан ўтказилмоқда. Жорий йилнинг ўтган ойларида ўтказилган назорат мобайнида юқумли вирусларнинг аломатлари учрамади. Лекин бундан хотиржамликка берилиш мумкин эмас, албатта. Ҳар доим хушёр ва огоҳ бўлиш кўнгилсизликларнинг олдини олади.

Тоштемир ХУДОЙКУЛОВ

Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш Бош бошқармаси жамоаси Сирдарё вилояти Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш инспекцияси бошлиғи Ғайрат Каримовга падари бузруквори

АБДУҚАҲҲОР отанинг

вафот этганиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ

ХАЛҚ БАНКИ

Халқ банки томонидан муомалага кичитилган мақсадли пул-буом ютуқли, тиражли лотереясининг 1-чиқариши бўйича ютуқлар тиражи 2009 йил 20 июль кунини Тошкент шаҳрида ўтказилган эди. Ютуқлар тиражи якунига кўра, банкнинг барча муассасалари томонидан пул ва буом ютуқли лотерея билетлари узлуксиз равишда жойида тўловга қабул қилинмоқда ва ютуқлар ўз эгаларига бериб борилмоқда.

Мазкур лотереянинг шартини ва қоидаларига асосан лотерея билетлари бўйича ютуқлар тиражи расмий жадвали матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб уч ой давомида тўловга қабул қилинади.

Шунини инобатга олиб, Сизларга лотерея билетларининг 1-чиқарилиши бўйича ютуқли лотерея билетларини 2009 йилнинг 24 октябрга қадар банк филиалларида қабул қилинишини маълум қиламиз. Ушбу муддатга қадар банкка тақдим этилмаган ютуқли лотерея билетлари ўз кучини йўқотади ва тўловга қабул қилинмайди.



ШОШИЛИНГҒИ ЮТУҚЛАР ЎЗ ЭГАЛАРИГА БЕРИБ БОРИЛМОҚДА

Publication information including Bosh Muharrir: Safar OSTONOV, Tahrir Hay'ati: Abdulla OROPOV, Latif G'ULOMOV, Asliddin RUSTAMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Tat'yana KISTANOVA, MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI, BO'LIMLAR: Partiya hayoti, Madaniyat va sport, Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot, VILOYAT MUXBIRLARI: Andijonda, Buxoroda, Gulistonda, Jizzaxda, Navoiyda, Namanganda, Nukusda, Samarqandda, Urganchda, Farg'onada, Denovda, MANZILIMIZ: 100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.